
ҚЎҚОНДА “АНЪАНАВИЙ БАДИИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИКНИ САҚЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДА ЖАҲОН АМАЛИЁТИ” МАВЗУСИДА ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ

Бугун Қўқон шаҳрида бошланган Иккинчи Халқаро ҳунармандчилик фестивали доирасида Қўқон шаҳар муסיқали драма театрида “Анъанавий бадиий ҳунармандчиликни сақлаш ва ривожлантириш соҳасида жаҳон амалиёти” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ҳам бўлиб ўтди.

Конференция ишида вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, Президент Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаментининг раҳбари Одил Абдурахмонов, Жаҳон ҳунармандлар кенгаши президенти Саад ал-Қаддумий, Ўзбекистон Республикаси “Ҳунарманд” уюшмаси раиси Улуғбек Абдуллаев, “Ўзбекистон ҳунармандчилиги” китоби муаллифи, академик Акбар Ҳакимов, хорижлик таниқли ҳунармандлар ва мутахассислар иштирок этдилар.

Тадбирда жаҳон халқ амалий санъатини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, бу бебаҳо бойликни келгуси авлодларга безавол етказиш, бу йўлдаги саъй-ҳаракат ва имкониятларни бирлаштириш борасида сўз борди.

Ҳар бир халқнинг миллий ҳунармандчилиги ўша халқнинг ўзлигини кўрсатувчи, эртасини белгиловчи муҳим қадрият эканини қайд этган вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, Фарғона вилоятида бу борада олиб борилаётган ишларга тўхталиб, Давлатимиз раҳбарининг соҳага бўлган алоҳида эътиборларининг амалий натижаси сифатида ўтган икки йил давомида Фарғона вилоятидаги барча шаҳар ва туманларда ўзида “уста-шогирд” анъаналарини мужассам этган жами 21 та замонавий “Ҳунармандлар марказлари” қуриб битказилганини, Риштон туманида 4 та кулолчиликка ихтисослашган ҳунармандлар марказлари барпо этилганини, 2 та кулолчилик маҳалласи ташкил этилганини маълум қилди.

Фестиваль арафасида Фарғона вилояти ҳокимлиги, Республика “Ҳунарманд” уюшмаси, Фанлар академияси “Илм-фан тарғибот маркази” томонидан академик Акбар Ҳакимов муаллифлигидаги “Ўзбекистон ҳунармандчилиги” фундаментал китоби тайёрланиб нашрдан чиқарилди.

Мазкур китоб амалий санъатнинг 13 турини қамраган бўлиб, тарих ва замонавийлик нуқтаи назаридан ҳунармандчиликнинг ўтмиши ва ривожига батафсил ёритилган. Бугунги конференция давомида бўлиб ўтган китоб тақдимотида ана шу ўзига хос жиҳатлар ҳақида муаллиф томонидан маълумот берилди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2023-09-21 16:05:06